

**Ўқувчиларнинг кимё фанидан компетенцияларини ривожлантишда
таълим технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари**

Қаҳоров Мадамин Абдунабиевич

Бухоро давлат университети таянч докторанти

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида шакллантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Бунинг учун компетенция ва компетентлик тушунчаларини аниқлаштириш ва унинг структурасини, функциясини белгилаб олиш зарур. Сўнгра таянч ва предмет компетенцияларини лойиҳалаш технологиясини тузиш орқали, ундан ўқитиш методларини танлаш тамойиллари келиб чиқади.

Педагогика ҳамда ўқитиш методикасига доир адабиётларни таҳлил қилиш натижасида, компетенциявий ёндашува асосланган таълимга нисбатан турли олимлар гуруҳлари ўзларининг олиб борган изланишлари натижасида ўз фикр-мулоҳазаларини турли мисоллар ёрдамида баён қилганлар.

Компетенциявий ёндашув мактаб таълимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Хусусан, ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришга асос бўлади. Мактаб таълимида компетенциявий ёндашув биринчи навбатда ўқитишнинг замонавий ва алтернатив шаклларида фойдаланган ҳолда билимлар тўплайдиган ва улардан кейинги ҳаётларида фойдалана оладиган шахсни шакллантиришга имкон берадиган шароитни яратишни тақозо қилади.

Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурлари лойиҳаларининг тажриба-тадқиқот ишлари амалиётга жорий этиш ва эришилган натижалардаги камчилик-муаммоларни бартараф этиш учун илмий-методик кенгашларда тажриба-тадқиқот ишларини ўтказилиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига кўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у қуйидагилардан ташкил топади:

билим – ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

кўникма – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

малака – ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимларни ҳосил қилиш;

компетенсия – мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

Ўқувчининг компетентлигига доир турли компетенсияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар креатив (ижодий) йўналишга эга. Креатив компетенсияларга «тажрибадан бирор фойдали маълумот чиқариб олиш», «муаммони еча олиш», «олдинги ва ҳозирги воқеалар орасидаги ўзаро алоқани очиш», «янги ечимларни топа олиш» кабилар киради. Маълумки, баъзи компетенсиялар бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра, уларни учта даражага бўлиш мумкин: 1) таянч компетенсиялар – таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли; 2) умумпредмет компетенсиялар – маълум доирага кирувчи ўқув предметлари ва таълим соҳаларига тегишли; 3) предметга оид компетенсиялар – олдинги иккитага нисбатан хусусий ҳисобланиб, ўқув предмети доирасида шакллантирилади. Таянч компетенсиялар ҳар сафар таълимнинг маълум бир босқичи ва белгиланган ўқув предмети учун конкретлаштирилади. Масалан, ўқиб-ўрганишга тегишли компетенсия умумпредмет компетенсияда кимё фани бўйича, элементлар даврий системаси ва даврий қонуни ҳамда кимёвий боғланиш турларини ёдга олиш қобилияти ётади. Ҳар бир компетенсия мазмунини аниқлаш учун унинг таълимдаги умумий функцияси ва роли билан боғланган структураси керак. Қуйида компетенсиянинг таркибий компонентлари рўйхати келтирилган 1: – компетенсиянинг номи; – компетенсия типи ва унинг умумий кетма-кетлигидаги ўрни (таянч, умумпредмет, предмет); – компетенсиялар киритиладиган, реал фаолият кўрсатадиган объектлар доираси; – компетенсиянинг ижтимоий-амалий боғлиқлиги ва аҳамияти (у жамият учун нима сабабдан керак?); – компетенсиянинг шахсга нисбатан аҳамияти (нима сабабдан ўқувчи компетент бўлиши керак?); – реал объектлар доирасига оид билимлари; – берилган реал объектлар доирасига оид кўникма ва малакалар; – мазкур компетенсия доирасида ўқувчининг фаолият кўрсатиши учун керак

бўладиган минимал тажрибаси (ўқитиш босқичлари бўйича); – индикаторлар – ўқувчи компетентлиги (ўқитиш босқичлари бўйича) даражасини аниқлаш учун ўқув ва назорат-баҳолаш топшириқлари намуналари, мисоллари. Келтирилган тўплам меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар, шунингдек, ўқувчиларнинг умум тайёргарлигини ўлчаш, шу билан бирга уларнинг креатив тайёргарлиги даражасини ўлчайдиган ҳужжатларни лойиҳалаш ва ёритиш учун характерловчи тўпламни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенцияларни шакллантириш назарда тутилган.

Коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, **ижтимоий фаол фуқаролик**, **миллий ва умуммаданий**, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларига эга бўлишлари назарда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эшназарова М.Ю., Ҳасанов С.С., Жамалов О.О. "Мобил иловалар яратиш технологиялари ва уларнинг имкониятлари" Academic research in educational sciences, no. 4, 2020, pp. 548-556.
2. Пак М.С., Бондаренко Д.К. Дидактический материал в обучении химии.-Санкт-Петербург:(Осипова), 2013 - 45 б.
3. Кузурман В.А., Задорожний И.В. Методика преподавания химии. - Владимир:(ВЛДУ), 2017 - 88 б.
4. Seirbhis Tacaiochta, Dara Leibseal. Using Graphic Organisers in Teaching and learning. (Castello Print Navan), SLSS 2008. 64 p.
5. Teaching Chemistry - A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.1page 34
6. Тожибоева М.З. "Мобил иловалардан таълим жараёнида фойдаланиш методикаси" Scientific progress, vol. 2, no. 2, 2021, pp. 683-690.
7. К. Е. Долгань Инновации и современные технологии в обучении химии Часть I Учеб, пособие // Калинингр. ун-т. - Калининград, 2000. - 66 с.
8. Jacjbson D.A., Eggan P. Kauchak D. Methods for teaching. (Pearson). 2009, 114 p.